ҚҲММБ: 06/20/5930/0105-сон
01.02.2020 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

# ФАРМОНИ

# УКАЗ

ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2020 йил "31" январь №ПФ–5930 "___" ________ 20 г.

## Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчил ва тизимли ислоҳ қилинмоқда ҳамда такомиллаштирилмоқда. Ҳар бир туманда (шаҳарда) Давлат хизматлари марказлари ташкил этилди ва 2019 йил давомида улар томонидан 13 млн.га яқин хизматлар кўрсатилди.

Бугунги кунда айрим ҳудудларда кўрсатилаётган давлат хизматлари сони 130 тага етди, мижозлар сони эса кунига 300 дан 1,5 минггача одамни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, давлат хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат этувчи аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг сони доимий равишда ўсиб бориши мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича қўшимча чоралар кўрилишини талаб этмоқда.

Аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш давом эттирилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ–5278-сон Фармонига мувофиқ **жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) зиммасига юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг **Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимини Агентликка ўтказиш тўғрисидаги** таклифи маъқуллансин.

3. Агентликка Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимини юритиш ва техник қўллаб-қувватлаш ҳамда уни Юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базаси билан интеграция қилиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни бепул таъминлаш бўйича қўшимча вазифалар юклатилсин.

4. Қуйидагилар:

**2020 йил 1 апрелдан Тошкент шаҳрида фақат Ягона интерактив давлат хизматлари портали** ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтлари **орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати** 1-иловага мувофиқ;

**Давлат хизматлари кўрсатишда қўлланиладиган электрон маълумотлар базаларини шакллантириш учун машинада ўқиладиган форматда рақамлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати** 2-иловага мувофиқ;

Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган **Давлат хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси"** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Мазкур Фармоннинг 2-иловасида кўрсатилган вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига электрон маълумот базаларини ўз вақтида ва сифатли шакллантириш ҳамда маълумотларни рақамлаштириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда (кейинги ўринларда – маҳаллалар) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Давлат хизматлари марказлари филиалларини** (кейинги ўринларда – Филиаллар) босқичма-босқич ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Қуйидагилар Филиалларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний ва юридик шахсларга кенг қамровли, шу жумладан мобиль (сайёр) давлат хизматларини кўрсатиш;

фуқароларнинг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш маданиятини ошириш, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланишнинг бошланғич кўникмалари бўйича маслаҳатлар бериш;

тегишли ҳудуд аҳолисини кўрсатиладиган давлат хизматлари ҳақида мунтазам хабардор қилиб бориш.

8. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг Филиалларни маҳаллаларнинг фуқаролар йиғинлари биноларида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

9. Белгилансинки:

Филиаллар, зарур ҳолларда, алоҳида, шу жумладан давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида, шунингдек, Агентлик, адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қурилган биноларда жойлаштирилиши мумкин;

Филиалларни ташкил этиш, шу жумладан ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатлар Агентлик, адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, Филиаллар учун алоҳида биноларни мебель, ташкилий техника ва жиҳозлар билан таъминлаш эса маҳаллий бюджетлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан қопланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликнинг буюртманомалари бўйича Филиалларнинг белгиланган тартибда Интернет тармоғига уланишини таъминласин.

11. Агентлик тузилмасида Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча 5 та штат бирлигини ажратган ҳолда **Давлат хизматларини рақамлаштириш бошқармаси** ташкил этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Агентлик, адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан:

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари, Давлат хизматлари марказлари, ФҲДЁ архивлари ва Филиаллар учун қўшимча штат бирликларини киритиш;

меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, тор доирадаги мутахассисларни шартнома асосида Агентликка ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

13. Суғурта компанияларига Давлат хизматлари марказлари эгаллаб турган биноларда ва ҳудудларда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаларини тузиш ҳамда мажбурий суғурта қилиш бўйича хизматлар рекламасини жойлаштириш ҳуқуқи берилсин.

14. Белгилансинки:

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи сифатида олинадиган барча маблағлар ҳамда Давлат хизматлари марказлари ва Филиаллар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловлар суммасининг 20 фоизи миқдоридаги маблағлар Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун давлат божлари ва бошқа тўловлар суммасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази" ДУКнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиладиган 1 фоизи миқдоридаги маблағлар 0,5 фоизга камайтирилади;

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификатори ишга қабул қилишда таълимнинг минимал даражаси ва ишчиларга касби бўйича малакавий разрядларни белгилаш қисмида Агентликда қўллаш учун, истисно тариқасида, тавсиявий характерга эга бўлади.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги:

Агентлик билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар талаб энг юқори бўлган электрон давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган мобил иллованинг тўлиқ шакли жорий этилиши ва кейинчалик тизимли асосда такомиллаштириб борилишини таъминласин;

икки ой муддатда хизматдан фойдаланувчилар томонидан электрон рақамли имзодан фойдаланмасдан идентификациялашнинг муқобил механизмларини жорий қилган ҳолда Интернет тармоғи орқали давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **4-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2020 йил 1 апрелга қадар Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган барча давлат хизматларини таҳлил қилсин ва давлат хизматларини кўрсатишдаги идоралараро ва ички идоравий тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича чораларни кўрсин;

Давлат хизматлари марказлари ва уларнинг Филиаллари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини, шу жумладан, психология бўйича курслардан ўтган ҳолда ошириш тизимининг доимий асосда такомиллаштирилишини таъминласин;

2020 йил 1 майга қадар Филиалларни маҳалла ёки бир нечта маҳаллаларнинг эҳтиёжини, шу жумладан улардаги аҳоли сони, Давлат хизматлари марказларидан узоқлигини таҳлил қилиш асосида ташкил этиш бўйича минимал ташкилий-техник талаблар, шунингдек, Филиаллар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2021 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматларини аҳоли гавжум бўлган ва жамоат жойларида (диний муассасалар, аэропортлар, вокзаллар, метро бекатлари, савдо-кўнгилочар комплекслар) ўрнатиладиган интерактив инфокиосклар орқали ўзига ўзи хизмат қилиш тамойили асосида кўрсатиш тартибини жорий этсин;

2021 йил 1 январга қадар давлат хизматлари кўрсатишнинг минимал талаблари ва стандартларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. **Мазкур Фармон ижросини назорат қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин**:

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари У.Ш. Ташходжаев – мазкур Фармоннинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро

этилиши, **масъул вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, улар раҳбарларининг кўрилган чоралар ҳақидаги ҳар ойлик ҳисоботларини эшитиш**, аниқланган муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов ва Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков – Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш бўйича **“Йўл харитаси”нинг ижроси** бўйича барча зарур чоралар кўрилиши, мазкур Фармоннинг ўз вақтида ижро этилишида масъул ташкилотларга ҳар томонлама услубий ва амалий ёрдам берилишини таъминласин, шунингдек, **ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига унинг амалга оширилиши жараёни тўғрисида батафсил маълумот тақдим этсин**;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори Х.С. Турахужаев – маҳаллаларнинг эҳтиёжини, аҳоли сони ва марказлардан узоқлигини инобатга олган ҳолда **уларда филиаллар ташкил этилиши ва кейинчалик фаолият юритиши**, уларнинг юқори малакали кадрлар билан тўлдирилиши, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими **узлуксиз ишлаши ва доимий такомиллаштириб борилиши**, **Агентлик тизими учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий стандартлари жорий этилишини** таъминласин;

масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари – **идоравий ахборот тизимлари** ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши, **уларнинг давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиниши**, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатилиши учун **маълумотлар рақамлаштирилишини** таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари – **ахборот тизимлари** ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши, **уларнинг давлат хизматларини кўрсатиш тизими билан интеграция қилинишини таъминласин, шунингдек, филиалларни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият юритишида ёрдам кўрсатсин**.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

ҚҲММБ: 06/20/5930/0105-сон
01.02.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 31 январдаги ПФ–5930-сон Фармонига
1-илова

**2020 йил 1 апрелдан Тошкент шаҳрида фақат Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Давлат хизматининг номланиши |
|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ўсимликлар ва уларнинг қисмларини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома |
| 2. | Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, зоология коллекциялари, трофейлар, тулумларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома |
| 3. | Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ҳайвонларни сақлаш ва кўпайтириш бўйича питомникни, шунингдек, зоологик коллекцияларни ҳисобга қўйиш тўғрисидаги гувоҳнома |
| 4. | Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан тадбиркорлик субъектининг ўзи тўғрисида кўчирма |
| 5. | Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан кўчирма, махфий ахборот бундан мустасно |
| 6. | Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан сўралаётган ахборот ва (ёки) ҳужжат мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш |
| 7. | Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан тадбиркорлик субъектлари рўйхатини электрон шаклда бериш, олиш имконияти қонун ҳужжатлари билан чекланган маълумотлар бундан мустасно |
| 8. | Манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш |
| 9. | Солиқ тўловчи жисмоний шахсларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш, СТИР бериш |
| 10. | Якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномасини тўхтатиб туриш |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 31 январдаги ПФ–5930-сон Фармонига
2-илова

**Давлат хизматлари кўрсатишда қўлланиладиган электрон маълумотлар базаларини шакллантириш учун машинада ўқиладиган форматда рақамлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Масъул вазирлик ва идоралар | Давлат хизматининг номланиши | Рақамлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар сони | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги | Ишчининг бандлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (меҳнат дафтарчаси) | 5 200 000 | 2021 йил | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги | Мактаб битирувчиларининг шаҳодатномалари реестри | 3 000 000 | 2023 йил | Халқ таълими вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки грантлар |
| 3. | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | Коллеж ва лицейлар битирувчиларининг шаҳодатномалари реестри | 5 901 400 | 2022 йил | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси | Кадастр иши | 5 600 000 | 2021 йил | Грант маблағлари |
| 5. | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | Олий таълим муассасалари битирувчиларининг дипломлари ҳақида маълумотнома | 1 316 983 | 2022 йил | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бюджетдан ташқари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | маблағлари ёки грантлар |
| 6. | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Ногиронликни тасдиқловчи маълумотнома, шу жумладан 16 ёшгача бўлган болалар учун уларнинг ногиронлигини тасдиқловчи тиббий хулоса | 135 915 | 2023 йил | Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари |
| 7. | Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги | Алоҳида уй (уйнинг бир қисми) ёки квартирани, шу жумладан идораларга қарашли уй-жой фондига тегишли бўлган уйни (уйнинг бир қисмини) ёки квартирани хусусийлаштирган фуқароларга мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери | 589 670 | 2022 йил | Давлат активларини бошқариш агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари |

**Изоҳ.** *Мазкур рўйхатда кўрсатилган ҳужжатлар базаси 2020 йил 1 майдан бошлаб мажбурий тартибда электрон шаклда ҳам юритилади.*

ҚҲММБ: 06/20/5930/0105-сон
01.02.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 31 январдаги ПФ–5930-сон Фармонига
3-илова

**Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш бўйича
"ЙЎЛ ХАРИТАСИ"**

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| **I.** | **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги** | | | | |
| 1. | Судланганлик ҳақида маълумотнома бериш. | 1. Давлат органлари томонидан судланганлик ҳақида маълумотноманинг талаб қилиниши фуқароларга қўшимча оворагарчилик ва ноқулайликлар яратмоқда. | 1. Фуқаролардан судланганлик ҳақида маълумотномани талаб қилувчи давлат органлари учун мижоз ойнаси (қисми)ни яратишни инобатга олган ҳолда ахборот тизимини такомиллаштириш.<br>Фуқародан розилик олган ҳолда давлат органлари томонидан идоралараро, шу жумладан электрон ҳамкорлик ҳисобига фуқародан судланганлик ҳақида маълумотномани талаб қилиш тартибини бекор қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| | | 2. Рақамлаштирилган маълумотларда номувофиқликлар мавжудлиги давлат хизматлари кўрсатиш муддатлари чўзилишига олиб келади. | 2. Ахборот тизимида маълумотлар номувофиқлигини аниқлаш ва бартараф этиш. | | 2021 йил 1 январга қадар |
| | | 3. Рақамлаштириш якунланмаганлиги давлат хизматини автоматлаштирилган тартибда кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда. | 3. Маълумотларнинг рақамлаштирилишини якунлаш. | | 2021 йил 1 январга қадар – 35 фоиз;<br>2022 йил 1 январга қадар – 70 |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | фоиз; 2023 йил 1 январга қадар – 100 фоиз |
| | | 4. Адвокат ҳимоясидаги шахснинг судланганлик тўғрисидаги маълумотномасини олиш имкони бўлмаганлиги унинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. | 4. Адвокат томонидан ордер тақдим этилганида унга ўз ҳимоясидаги шахснинг судланганлик тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этиш, шунингдек, МДҲ давлатлари фуқароларида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами бўлганида уларга судланганлик тўғрисидаги маълумотномани беришни назарда тутувчи қўшимчаларни Маъмурий регламентга киритиш. | – | 2020 йил 1 майга қадар |
| 2. | Манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш. | 1. Давлат органлари томонидан манзил-маълумот ахборотларининг талаб қилиниши фуқароларга қўшимча оворагарчилик ва ноқулайликлар яратмоқда. | 1. Манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш ахборот тизимини фуқаролардан манзил-маълумот ахборотларини талаб қилувчи давлат органларига тизимга уланиш имконини бериш орқали такомиллаштириш ҳисобига давлат органлари томонидан фуқаролардан манзил-маълумот ахборотларини талаб қилиш тартибини бекор қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| | | 2. Рақамлаштирилган маълумотларда номувофиқликлар мавжудлиги давлат хизматлари кўрсатиш муддатлари чўзилишига олиб келади. | 2. Ахборот тизимида маълумотлар номувофиқлигини аниқлаш ва бартараф этиш. | | 2021 йил 1 январга қадар |

| **Т/р** | **Давлат хизмати тури** | **Мавжуд камчиликлар** | **Чора-тадбир номи** | **Молиялаштириш манбалари** | **Амалга ошириш муддати** |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 3. Рақамлаштириш якунланмаганлиги давлат хизматини автоматлаштирилган тартибда кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда. | 3. Маълумотларнинг рақамлаштирилишини якунлаш. | | 2021 йил 1 январга қадар – 35 фоиз; 2022 йил 1 январга қадар – 70 фоиз; 2023 йил 1 январга қадар – 100 фоиз |
| 3. | Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини янги намунадаги гувоҳномага алмаштириш. | Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини Давлат хизматлари марказлари орқали алмаштиришнинг соддалаштирилган тартиби 2020 йил 31 декабрга қадар давом этади.<br>2021 йил 1 январдан бошлаб қўшимча ҳужжатлар талаб қилинувчи (имтиҳон варағи, тиббий маълумотнома ва бошқалар) янги тартиб амалга киритилиб, фуқароларнинг ушбу хизматдан фойдаланиши қийинлашади. | Қонун ҳужжатларига эски миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини янги намунадаги гувоҳномага эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатдан бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб қилишга йўл қўймаган ҳолда алмаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинишини назарда тутувчи ўзгартириш киритиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 майга қадар |
| **II.** | **Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги** | | | | |
| 4. | Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул | 1. Маълумотларни текшириш механизми аввалдан мавжуд | 1. Давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича аризаларни хатловдан ўтказиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан | 2020 йил 1 августга қадар |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | қилиш. | бўлмаганлиги туфайли ахборот тизимида сақланаётган аризаларда хатолар мавжудлиги болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилишда навбатлар бузилишига олиб келмоқда. | | тақиқланмаган бошқа маблағлар | |
| | | 2. Мактабгача таълим муассасалари ҳақидаги маълумотларга ўзгартириш киритиш имконияти мавжудлиги навбатлар шаклланишида аралашувларга олиб келиши мумкин. | 2. Ахборот тизимига киритилган маълумотларни ҳимоялаш ва мустаҳкамлаш учун “блокчейн” технологияларини жорий этиш. | | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| 5. | | 3. Алоҳида тоифадаги шахсларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар фуқароларнинг мактабгача таълимдан фойдаланиш имкониятида тенг ҳуқуқлиликни чекламоқда. | 3. Қонун ҳужжатларига давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилишдаги имтиёзларнинг сезиларли қисқартирилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш. | – | 2020 йил 1 июлга қадар |
| **III.** | **Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги** | | | | |
| 6. | 1. Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни | 1. Давлат хизматлари кўрсатиш учун масъул ходимларнинг моддий-техник таъминоти етарли | 1. Давлат хизматлари кўрсатиш учун масъул ходимларни лозим даражадаги моддий-техник база билан таъминлаш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа | 2021 йил 1 январга қадар |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | келишиш.<br>2. Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсатнома бериш. | даражада амалга оширилмаяпти ва бу ҳолат давлат хизматлари тақдим этилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. | | маблағлар | |
| | 3. Қурилиш-монтаж ишлари бошланганлиги ҳақида хабар бериш. | 2. Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | 2. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | | 2021 йил 1 январга қадар |
| | 4. Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсатнома бериш.<br>5. Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш ҳамда объектнинг зилзилага | 3. Мавжуд маълумотлар рақамлаштирилмаган. | 3. Мавжуд маълумотларни рақамлаштириш. | | 2020 йил 1 сентябрга қадар – 50 фоиз;<br>2021 йил 1 апрелга қадар – 100 фоиз |
| | бардошлилиги ва ёнғин хавфсизлиги бўйича экспертизадан ўтказиш.<br>6. Якка тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) рухсатнома бериш.<br>7. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш.<br>8. Қурилишда экспертиза | 4. Вилоят миқёсидаги ҳудудий қурилиш бошқармаларининг иш юкламаси кўплиги бино ва иншоот ташқи кўринишини ўзгартиришни келишишда давлат хизматлари кўрсатиш жараёнининг чўзилиб кетишига асосий сабаб бўлмоқда. | 4. Бино ва иншоот ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш ваколатини ҳудудий бошқармалардан туман қурилиш бўлимларига бериш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2021 йил 1 январга қадар |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | ташкилотлари аккредитацияси.<br>9.Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш. | | | | |
| **IV.** | **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги** | | | | |
| 7. | 1. Тиббий фаолиятни лицензиялаш.<br>2. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш.<br>3. Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш | Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| **V.** | **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги** | | | | |
| 8. | Ўрта махсус ва ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжат нострификацияси. | Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| 9. | Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўргатиш фаолиятини лицензиялаш. | Таълимни лицензиялаш соҳасида хизматлар кўрсатиш Халқ таълими вазирлиги фаолияти ихтисослигига мос келмайди. | Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўргатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича ваколатни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига ўтказиш. | – | 2020 йил 1 мартга қадар |
| **VI.** | **Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги** | | | | |
| 10. | 1. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш учун ариза.<br>2. Фуқарони ишсиз | Хизмат ўзига хослиги сабаб масъул орган ходими билан бевосита мулоқот талаб | Хизматни Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиш тартибини бекор қилиш ва ахборот тизимини ишлаб чиқиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа | 2020 йил 1 майга қадар |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | сифатида рўйхатга олиш.<br>3. Ишсизлик нафақасини тайинлаш. | этилмоқда, бу эса ушбу хизматни "ягона дарча" тамойили бўйича кўрсатишга имкон бермаяпти. | | маблағлар | |
| **VII.** | **Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги** | | | | |
| 11. | 1. Ўз тармоғини яратиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқлари орқали провайдер хизматлари кўрсатишга лицензия.<br>2. Телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаштиришга лицензия. | Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| **VIII.** | **Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги** | | | | |
| 12. | Спорт иншооти паспортини бериш. | 1. Маъмурий регламент қабул қилиниши зарур. | 1. Маъмурий регламент тасдиқланиши учун тегишли чоралар кўриш. | – | 2020 йил 1 апрелга қадар |
| | | 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаганлиги сабабли мавжуд ахборот тизимлари интеграция қилинмаган. | 2. Ахборот тизимлари интеграциясини якунлаш. | – | 2020 йил 1 июнга қадар |
| **IX.** | **Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги** | | | | |
| 13. | Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолиятни лицензиялаш. | Ахборот тизимини интеграция қилиш ишлари якунланмаган. | Интеграция ишларини тўлиқ якунлаш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 февралга қадар |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| **X.** | **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги** | | | | |
| 14. | Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, болани давлат мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш, яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш, поликлиникага ҳисобга қўйиш. | Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ўзаро боғлиқ давлат хизматларини комплекс тарзда кўрсатиш зарур. | Тошкент шаҳри ва республиканинг бошқа вилоятларида бола туғилиши билан боғлиқ композит давлат хизматларини босқичма-босқич жорий этиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 июлдан бошлаб |
| **XI.** | **Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси** | | | | |
| 15. | Фуқароларнинг номида турар жой мавжуд ёки йўқлиги ҳақида маълумотнома. | 1. Маълумотномани бериш муддатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан аниқ белгиланмаган. | 1. Қонун ҳужжатларига фуқароларнинг номида турар жой мавжуд ёки йўқлиги ҳақида маълумотномани бериш муддатларини белгилаш ва ушбу давлат хизматини Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиш тартибини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш. | – | 2020 йил 1 июлга қадар |
| | | 2. Давлат органлари томонидан фуқаролардан номида турар жой мавжуд ёки йўқлиги ҳақида маълумотноманинг талаб қилиниши уларга ноқулайликлар туғдирмоқда. Шунингдек, хизматнинг нархи ҳам норозилик келтириб чиқармоқда, чунки аввал мазкур хизмат бепул бўлган. | 2. Давлат органлари томонидан фуқаролардан номида турар жой мавжуд ёки йўқлиги ҳақида маълумотнома талаб қилинишини идоралараро электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳисобига бекор қилиш. | – | |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| 16. | Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш. | Бугунги кунда, объектларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва кўчмас мулк давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги реестрдан кўчирма бир вақтда тақдим этилмоқда. Бунда, фуқаролар кадастр паспортини олиш учун Давлат хизматлари марказларига алоҳида мурожаат қилишмоқда, ҳолбуки, мазкур ҳужжатни юқорида қайд этилган ҳужжатлар билан бир вақтда олиш имкони ҳам мавжуд. | Кадастр паспорти, объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси, кўчмас мулк давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги реестрдан кўчирмани Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат қилиш орқали бир вақтда олишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ҳукуматга киритиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 июлга қадар |
| 17. | Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш. | Тўлов ундириш механизми қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган. | Қонун ҳужжатларига тўловларни Ягона биллинг тизими орқали ундириш механизмини аниқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 июлга қадар |
| 18. | Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш. | Тижорат банклари ва кадастр органлари ўртасида алоқа лозим даражада йўлга қўйилмаган. | Қонун ҳужжатларига ипотекани давлат рўйхатидан ўтказишнинг тижорат банклари ва нотариал идоралар ўртасида идоралараро алоқа ўрнатиш ҳисобига соддалаштирилган тартибини жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш | – | |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| 19. | 1. Бино ёки иншоот (турар жой) ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш.<br>2. Бино ёки иншоот (нотурар жой) ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш. | 1. Ахборот тизимини такомиллаштириш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш талаб этилади. | 1. Ахборот тизимини такомиллаштириш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| | | 2. Тизимда техник камчиликлар бўлганлиги сабабли юридик шахсларда давлат хизмати кўрсатилганлиги учун тўловни амалга ошириш имкони йўқ. | 2. Ахборот тизимини Ягона биллинг тизимига интеграция қилишни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш. | | |
| 20. | Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) тўғрисидаги келишувни давлат рўйхатидан ўтказиш. | Ахборот тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш лозим. | Ахборот тизимини такомиллаштириш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| 21. | Фуқароларга турар жой майдони бўйича маълумотнома бериш. | Давлат органлари томонидан фуқаролардан турар жой майдони бўйича маълумотноманинг талаб этилиши уларга ноқулайлик яратмоқда. | Давлат органлари томонидан фуқаролардан турар жой майдони бўйича маълумотнома талаб қилиниши тартибини идоралараро, шу жумладан электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳисобига бекор қилиш. | – | 2020 йил 1 июлга қадар |
| 22. | Кадастр ишини тайёрлаш ва кўчмас мулк объектларига кадастр паспортини расмийлаштириш. | 1. Мазкур хизматни кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларига киритилган сўнгги ўзгартиришлар билан мувофиқлаштирилмаган. | 1. Кадастр паспортини тайёрлашнинг маъмурий регламентини ишлаб чиқиш ва Ҳукуматга киритиш, бунда ушбу давлат хизматини Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиш тартиби, | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 июлга қадар |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | шунингдек, қонун ҳужжатларидаги сўнгги ўзгартиришларни инобатга олиш. | | |
| | | 2. Тизимда техник камчиликлар бўлганлиги сабабли юридик шахсларда давлат хизмати кўрсатилганлиги учун тўловни амалга ошириш имкони йўқ. | 2. Ахборот тизимини Ягона биллинг тизимига интеграция қилишни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш. | | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| **XII.** | **Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси** | | | | |
| 23. | Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш. | 1. Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | 1. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| 24. | | 2. Мавжуд маълумотлар рақамлаштирилмаган. | 2. Мавжуд маълумотларни рақамлаштириш. | | 2020 йил 1 июлга қадар – 50 фоиз; 2021 йил 1 январга қадар –100 фоиз; |
| 25. | Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатнома. | Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| 26. | 1. Қизил китобга киритилмаган ёввойи ўсимликларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома. 2. Қизил китобга киритилмаган ёввойи ҳайвонлар ҳамда | Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | уларнинг зоология коллекциялари, ўлжалар, тулумларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома.<br>3. Қизил китобга киритилмаган ёввойи ҳайвонлар сақланадиган ва урчитиладиган питомникларни ҳамда зоология коллекцияларини ҳисобга қўйиш.<br>4. Озонни бузувчи моддаларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома бериш. | | | | |
| **XIII.** | **Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси** | | | | |
| 27. | Ер ости сувларига қудуқларни бурғулаш учун рухсатнома. | Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| **XIV.** | **Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси** | | | | |
| 28. | Ветеринария фаолиятини лицензиялаш. | 1. Давлат хизматлари марказларида ушбу хизмат вақтинчалик регламент асосида кўрсатилмоқда. | 1. Маъмурий регламентни ишлаб чиқиш ва Ҳукуматга киритиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 апрелга қадар |
| | | 2. Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги | 2. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан | | 2020 йил 1 сентябрга |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | сабабли интеграция қилинмаган. | интеграция қилиш. | | қадар |
| **XV.** | **Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси** | | | | |
| 29. | Туризм фаолиятини лицензиялаш. | 1. Хизмат вақтинчалик регламент асосида кўрсатилмоқда. | 1. Маъмурий регламентни ишлаб чиқиш ва Ҳукуматга киритиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 апрелга қадар |
| | | 2. Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | 2. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| **XVI.** | **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси** | | | | |
| 30. | 1. Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш.<br>2. Ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим тўғрисидаги ҳужжат нострификацияси.<br>3. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш. | 1. Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | 1. Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўргатиш фаолиятини лицензиялашни ҳам инобатга олувчи ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 октябрга қадар |
| 31. | | 2. Мавжуд маълумотлар рақамлаштирилмаган. | 2. Мавжуд маълумотларни рақамлаштириш. | | 2020 йил 1 сентябрга қадар – 50 фоиз; 2021 йил 1 апрелга қадар – 100 фоиз |
| 32. | | 3. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар тан олиниши учун йиғимлар миқдорлари табақалаштирилмаган. | 3. Хорижий таълим муассасаларида олинган ўрта махсус таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишда ундириладиган йиғим миқдорини камайтириш. | | 2020 йил 1 июнга қадар |
| 33. | | 4. Таълим хизматларининг айрим турларини лицензиялаш механизмларини қайта кўриб чиқиш лозим. | 4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нодавлат таълим хизматларининг айрим турларини лицензиялаш механизмларини тартибга солиш жиҳатидан қайта кўриб чиқиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 октябрга қадар |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| **XVII.** | **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги** | | | | |
| 34. | Ўзбекистон Республикасига хориждан ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (узайтириш). | 1. Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | 1. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| | | 2. Мавжуд маълумотлар рақамлаштирилмаган. | 2. Мавжуд маълумотларни рақамлаштириш. | | 2020 йил 1 сентябрга қадар – 50 фоиз; 2021 йил 1 апрелга қадар – 100 фоиз |
| 35. | Чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш ҳуқуқини берадиган тасдиқномаларни бериш (узайтириш). | Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| **XVIII.** | **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси** | | | | |
| 36. | 1. Фарзанд туғилганда бир маротабалик нафақа.<br>2. Дафн маросими учун нафақа.<br>3. Фуқаро пенсия олувчилар рўйхатида мавжудлиги ҳақида маълумотнома.<br>4. Пенсия миқдори тўғрисида маълумотнома. | Маъмурий регламентлар қабул қилиниши зарур. | Белгиланган тартибда маъмурий регламентларни қабул қилиш чораларини кўриш. | – | 2020 йил 1 апрелга қадар |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| **XIX.** | **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси** | | | | |
| 37. | 1. Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси.<br>2. Заргарлик буюмлари, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар билан савдо қилишга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси.<br>3. Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш учун лицензия. | Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| **XX.** | **Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари** | | | | |
| 38. | Ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесишга рухсатнома бериш. | Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2021 йил 1 январга қадар |
| **XXI.** | **Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари** | | | | |
| 39. | 1. Электр таъминоти тизимига техник шартларни олиш. | 1. Кадрлар қўнимсизлиги туфайли давлат хизмати кўрсатиш | 1. Давлат хизматларини кўрсатиш учун ходимларни масъул қилиб бириктириш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан | 2020 йил 1 мартга қадар |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2. 20 кВт дан юқори бўлган электр таъминоти тизимига техник шартларни олиш.<br>3. Электр таъминоти лойиҳасини келишиш.<br>4. Электр қурилмаларини ишга тушириш учун далолатнома бериш.<br>5. Электр таъминоти шартномасини тузиш.<br>6. Электр ҳисоблагичини ўрнатиш.<br>7. Электр ҳисоблагичини ечиш.<br>8. Электр ҳисоблагичини қиёслаш. | учун масъул этиб бириктирилган ходимлар ҳақидаги маълумот ўз вақтида янгиланмаяпти. | | тақиқланмаган бошқа маблағлар | |
| 40. | | 2. Ходимлар масъулиятсизлиги ва электрон тизимда ишлаш кўникмасига эга эмаслиги сабабли ижро муддатлари бузилмоқда. | 2. Масъул ходимлар учун электрон ахборот тизимлари билан ишлаш кўникмаларини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш. Ходимнинг шахсий жавобгарлигини ошириш. | | Доимий равишда |
| 41. | | 3. Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| 42. | | 4. Электр тизимларининг энг яқин тармоқлари тўғрисида маълумотларнинг йўқлиги тадбиркорлик субъектларининг норозилигига сабаб бўлади. | 4. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида трансформатор нуқталарининг манзиллари ҳақида маълумотларни жойлаштириш. | | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| **XXII.** | **Ҳудудий газ таъминоти корхонаси** | | | | |
| 43. | 1. Газ тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш.<br>2. Газ таъминоти шартномасини тузиш.<br>3. Газ таъминоти лойиҳасини келишиш.<br>4. Газ ҳисоблагич ускунасини пломбалаш. | 1. Давлат хизматлари кўрсатишга масъул ходимлар учун етарли моддий-техник база мавжуд эмас. | 1. Давлат хизматлари кўрсатишга масъул ходимларни етарли моддий-техник база билан таъминлаш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 мартга қадар |
| 44. | | 2. Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | 2. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| 45. | | 3. Амалдаги маъмурий | 3. Қонун ҳужжатларига таъминотчи | – | 2020 йил |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | 5. Газ ҳисоблагичини ўрнатиш.<br>6. Газ ҳисоблагичини ечиш.<br>7. Газ ҳисоблагичини қиёслаш | регламентда назарда тутилган маблағларни тақсимлаш тартиби таъминотчи корхоналар томонидан сифатли хизмат кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда. | корхоналарга йўналтириладиган маблағлар миқдорини, шу жумладан метрологик хизматга йўналтириладиган маблағларни қисқартириш ҳисобига ошириш мақсадида ушбу хизматни тақдим этиш учун ундириладиган маблағлар тақсимланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш. | | 1 апрелга қадар |
| **XXIII.** | **Иссиқлик таъминоти корхонаси** | | | | |
| 46. | 1. Иссиқ сув ҳисоблагичини ўрнатиш.<br>2. Иссиқ сув ҳисоблагичини ечиш.<br>3. Иссиқ сув ҳисоблагичини қиёслаш.<br>4. Иссиқлик тизимига техник шартларни олиш.<br>5. Иссиқлик тизимини ишга туширишга рухсатнома.<br>6. Иссиқлик тизимини пломбалаш ва шартнома тузиш. | 1. Давлат хизматлари кўрсатишга масъул ходимлар учун етарли моддий-техник база мавжуд эмас. | 1. Давлат хизматлари кўрсатишга масъул ходимларни етарли моддий-техник база билан таъминлаш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 октябрга қадар |
| | | 2. Ахборот тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | 2. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш. | | 2020 йил 1 сентябрга қадар |
| | | 3. Амалдаги маъмурий регламентда назарда тутилган маблағларни тақсимлаш тартиби таъминотчи корхоналар томонидан сифатли хизмат кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда. | 3. Қонун ҳужжатларига ушбу хизматни тақдим этиш учун ундириладиган маблағларнинг барча харажатлар қопланишини ҳисобга олган ҳолда тақсимланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш. | – | 2020 йил 1 апрелга қадар |
| **XXIV.** | **Сув таъминоти корхоналари** | | | | |
| 47. | 1. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимига техник шартларни олиш.<br>2. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизими | 1. Давлат хизматлари кўрсатишга масъул ходимлар учун етарли моддий-техник база мавжуд эмас. | 1. Давлат хизматлари кўрсатишга масъул ходимларни етарли моддий-техник база билан таъминлаш. | Бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2020 йил 1 октябрга қадар |
| 48. | | 2. Ахборот тизими | 2. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва | | 2020 йил |

| Т/р | Давлат хизмати тури | Мавжуд камчиликлар | Чора-тадбир номи | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | лойиҳасини келишиш.<br>3. Ичимлик сув ҳисоблагичини пломбалаш ва шартномани тузиш.<br>4. Ичимлик сув ҳисоблагичини ўрнатиш.<br>5. Ичимлик сув ҳисоблагичини ечиш.<br>6. Ичимлик сув ҳисоблагичини қиёслаш. | мавжуд бўлмаганлиги сабабли интеграция қилинмаган. | давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграция қилиш | | 1 сентябрга қадар |
| 49. | | 3. Амалдаги маъмурий регламентда назарда тутилган маблағларни тақсимлаш тартиби таъминотчи корхоналар томонидан сифатли хизмат кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда. | 3. Қонун ҳужжатларига таъминотчи корхоналарга йўналтириладиган маблағлар миқдорини, шу жумладан метрологик хизматга йўналтириладиган маблағларни қисқартириш ҳисобига ошириш мақсадида ушбу хизматни тақдим этиш учун ундириладиган маблағлар тақсимланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш. | | 2020 йил<br>1 апрелга қадар |

ҚҲММБ: 06/20/5930/0105-сон
01.02.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 31 январдаги ПФ–5930-сон Фармонига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–4725-сон Фармонининг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"8. Белгилансинки:

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи сифатида олинадиган барча маблағлар ҳамда Давлат хизматлари марказлари ва уларнинг филиаллари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловлар суммасининг 20 фоизи миқдоридаги маблағлар;

ариза берувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мустақил равишда йўналтирилган мурожаатларига асосан кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловлар суммасининг 10 фоизи миқдоридаги маблағлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига ўтказилади".

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–2750-сон қарорининг 11-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3245-сон қарорининг 13-бандида:

а) тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ–3430-сон қарорида:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Бошқарув ходимларининг чекланган сони қуйидаги миқдорларда белгилансин:

Агентликнинг марказий аппарати 58 бирлик;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари 216 бирлик.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда:

Агентлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Агентлик, адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари, Марказлар, ФҲДЁ архивлари ва филиаллар учун қўшимча штат бирликларини киритиш;

меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, тор доирадаги мутахассисларни шартнома асосида Агентликда ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Агентлик директори мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосарига, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларига тенглаштирилсин”;

б) 4-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи сифатида олинадиган барча маблағлар ҳамда Марказлар ва уларнинг филиаллари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловлар суммасининг 20 фоизи миқдоридаги маблағлар;

ариза берувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мустақил равишда йўналтирилган мурожаатларига асосан кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловлар суммасининг 10 фоизи миқдоридаги маблағлар”;

тўртинчи – еттинчи хатбошилар тегишинча бешинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Давлат хизматлари агентлиги марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ

ҚҲММБ: 06/20/5930/0105-сон
01.02.2020 й.






Бошқарув ходимларининг умумий сони – 58 бирлик.”;

г) 2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги худудий бошқармаларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ

ҚҲММБ: 06/20/5930/0105-сон
01.02.2020 й.






”

Бошқарув ходимларининг умумий штатлар сони 13 – 17 бирликни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бошқармалари бошқарув ходимларининг умумий сони – 216 бирликни ташкил этади.”.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4328-сон қарорида:

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

ариза берувчиларнинг ЯИДХП орқали мустақил равишда йўналтирилган мурожаатларига асосан кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловлар суммасининг 10 фоизи миқдоридаги маблағлар, шунингдек, ЯИДХП орқали кўрсатиладиган давлат хизматларидан ташқари, Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божлари ва бошқа тўловлар суммасининг 0,5 фоизи миқдоридаги маблағлар Марказнинг ваколатли банкдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилади;”;

б) 4-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, унинг моддий-техника базасини сақлаш, шакллантириш ва мустаҳкамлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларни қўшимча моддий рағбатлантириш мақсадида ариза берувчиларнинг ЯИДХП орқали мустақил равишда йўналтирилган мурожаатларига асосан кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловлар суммасининг 10 фоизи миқдоридаги маблағлар, шунингдек, ЯИДХП орқали кўрсатиладиган давлат хизматларидан ташқари, Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божлари ва бошқа тўловлар суммасининг 0,5 фоизи миқдоридаги маблағлар;”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1